

4. Popov B.G., *Chemical hazard risk assessment.* // *Chemical industry.* 2001. No.7. Pp. 41-42.
5. Ostrovsky G.M., Volin Yu.M. *Methods of optimization of chemical-technological schemes.* – M.: Chemistry, 1971.
6. Shubin B.C. *Applied reliability of chemical equipment. Textbook.* – Kaluga: N.Bochkareva Publishing House, 2002. – 296 p.
7. Maxmudov N.M., Hakimov H.A. *Macroeconomic analysis. Tutorial.* – T.: TSUE, 2019. – 146 pages. Makmudov N.M., Hakimov H.A. *Macroeconomic analysis. Tutorial.* – T.: TDIO, 2019. – 146 pages.
8. Fozilova F.K. *Ways of development of the chemical industry and its export of South Korea.* // *Asian journal of research in business economics and management*, ISSN: 2249-7307, Vol.12, Issue 4, April 2022.
9. Fozilova F.K. *Development of foreign economic activity and dynamics of exports in the Republic of Uzbekistan for 2018-2020-years-MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS: a collection scientific works of the International scientific conference (7-9 April, 2021).* – Warsaw: Sp. z oo "iScience", 2021.
10. Nazarova R., Fozilova F.K. *Foreign trade of industry in developed and developing countries, "Economics and Innovative Technologies":* Tashkent/ Vol.2020: No.4, Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss4/1>
11. Fozilova F.K. *Маркетинговые исследования в формировании экспортного потенциала промышленных предприятий.* Архив научных исследований, 2022, 2 (1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/870>
12. Fozilova F. *Особенности и угрозы цифровой экономики в развивающихся странах (Features and threats of the digital economy in developing countries).* Архив научных исследований, 2022, 2(1). Available at: <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2224>
13. Fozilova F.K. *Foreign experience in assessing the export potential of the chemical industry.* *World Economics and Finance Bulletin*, 2022, 8, 151156. Retrieved from: <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/755>
14. Fozilova F. *Маркетинговые исследования в формировании экспортного потенциала промышленных предприятий.* Экономика и образование, 2021, (5), 182-186. Available at: <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/229>
15. Fozilova F.K. *Digitalization and its impact on the development of international trade,* VI International Scientific and practical conference *Scientific Horizon In The Context Of Social Crises*, held on February 6-8, 2021 in Tokyo, Japan. <https://ojs.ukrlogos.in.ua/index.php/interconf/article/view/8534>
16. <https://poisknews.ru/themes/himiya/bez-himii-ne-zhizn-uchenye-znayut-kak-podtyanut-ot-stayushchuyu-otrasl/>
17. <https://cefic.org/a-pillar-of-the-european-economy/facts-and-figures-of-the-european-chemical-industry/growth-and-competitiveness/>, last accessed 2022/07/29.
18. [https://economy.gov.ru/material/news/zapusk\\_rossiysko\\_koreyskogo\\_industrialnogo\\_kompleksa\\_v\\_primore\\_pozvolit\\_sozdat\\_okolo\\_2\\_tysyach\\_rabochih\\_mest.html?utm\\_source=yxnews&utm\\_medium=desktop](https://economy.gov.ru/material/news/zapusk_rossiysko_koreyskogo_industrialnogo_kompleksa_v_primore_pozvolit_sozdat_okolo_2_tysyach_rabochih_mest.html?utm_source=yxnews&utm_medium=desktop), last accessed 2022/09/02.
19. [https://elaw.klri.re.kr/eng\\_service/lawView.do?hseq=4764&lang=ENG](https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=4764&lang=ENG), last accessed 2022/09/15.
20. <http://www.worldbank.org> – Official website of the World Bank, last accessed 2022/09/29.



### САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рахматова Шахло Олимовна -  
Ташкент давлат иқтисодиёт университети,  
таянч докторанти

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a48](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a48)

**Аннотация.** Мазкур мақолада саноат корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиши ташкил этишнинг "интеграциялашган ресурс оқими" замонавий концепцияси корхона ресурсларидан самарали фойдаланишдаги роли очиб берилган ҳамда уни жорий этиш бўйича тадбирлар келтирилган. Саноат корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор муаммолар ўрганилган ва уларнинг олдини олиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** ресурс тежамкорлиги, самарадорлик, саноат корхоналари, омиллар, диверсификациялаш, ички имкониятлар, асосий ишлаб чиқариш қувватлари, модернизациялаш.

### ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ РЕСУРСОСБЕРЕЖЕНИЯ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Рахматова Шахло Олимовна -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, базовый докторант

**Аннотация.** В данной статье раскрыта роль современной концепции «интегрированный ресурсный поток» в эффективном использовании ресурсов предприятия по организации эффективного использования ресурсов на промышленных предприятиях и приведены меры по их внедрению. Изучены ряд проблем по эффективному использованию ресурсов на промышленных предприятиях и разработаны предложения по их предупреждению.

**Ключевые слова:** экономия ресурсов, эффективность, промышленные предприятия, факторы, диверсификация, внутренние возможности, основные производственные мощности, модернизация.

## WAYS TO INCREASE RESOURCE ECONOMY IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

**Rakhmatova Shakhlo Olimovna -**  
*Tashkent State University of Economics,  
base doctoral student*

**Annotation.** This article reveals the role of the modern concept of "integrated resource flow" in the efficient use of enterprise resources for organizing the efficient use of resources in industrial enterprises and provides measures for their implementation. A number of problems on the effective use of resources in industrial enterprises were studied and proposals for their prevention were developed.

**Keywords:** resource economy, efficiency, industrial enterprises, factors, diversification, internal capabilities, main production capacities, modernization.

**Кириш.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида саноатни ривожлантириш ва унинг ресурсларидан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,1 фоизни, саноати ривожланган мамлакатларда 20,4 фоизни, саноати ривожланаётган мамлакатларда 22,1 фоизни ва саноати қуий ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда 12,3 фоизни ташкил этмоқда[2]. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиётини саноат тармоқлари таъминлаб бериб, айнан саноат иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги билан фарқланади.

Саноат-моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик, илғор тармоғидир. Унда меҳнат қуроллари, меҳнат воситалари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади; машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади; ер ости бойликлари қазиб олиш амалга оширилади; минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади. Саноат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат воситалари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожи саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Саноат шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг меҳнат, табиий ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан тўғри фойдаланиш имкониятлари юзага келади.

Бугунги кунда саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади. Саноат корхоналарида ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш,

ассортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади.

Саноат, оғир саноат бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни саноатлаштириш муаммоларини ҳал этиш калитидир. Шу сабабли жамиятнинг моддий-техника асосини қайтадан қуриш ишини ўзбек халқи юртбошимиз раҳбарлигига саноат, хусусан, унинг энг муҳим соҳаларини ривожлантиришдан бошлади. Чунки бу соҳалар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий кучкудрати, халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори ҳисобланади, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Корхонада ресурс тежамкорлиги бўйича чора-тадбирлар кенг қамровли бўлганлиги учун корхонанинг ресурс тежамкорлиги бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш корхонанинг фаолиятидаги асосий заруриятлардан бири, деб ҳисблаймиз. Саноат корхоналари ресурс тежамкорлигини тартибга солиш ва бошқариш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўз тадқиқотларида фикр ва мулоҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан саноат корхоналари ресурс тежамкорлигининг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз давларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Таниқли тадқиқотчи Сюзан Лундстром табиий ресурсларни истеъмол қилиш даражасини ва улардан фойдаланишининг мавжуд тизимиши ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётida турли даврларини аниқлади. У ҳар қандай давлат, ҳатто, дастлаб табиий ресурсларга эга бўлмаган, уларнинг тақчиллиги ва танқислигини бошдан кечираётган, маҳсулот экспорти истеъмол қилинадиган ресурслар импортидан кўп бўлса, самарали иқтисодий сиёсатни амалга ошириши мумкинлигига эътибор қаратади. Ресурсларни экспорт қилиш бўйича иқтисодий тузилмани қуришда қазиб олиш тармоқларида ресурсларни тежашни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг йўқлиги ва саноат ишлаб чиқаришини инновацион интенсив ривожлантириш зарурати туфайли ижтимоий-иктисодий қарама-қаршиликлар ва ишлаб чиқариш сама-

радорлигининг пастлиги муқаррар равиша юзага келади [1].

Ишлаб чиқариш қолдиқларини қайта ишлашга катта аҳамият берган Д.И.Менделеев таъкидлаганидек, чиқиндиларни утилизация қилиш натижасида яроқсиз материаллар қимматли товарларга айланишига эътибор қаратиш лозим. Аслида фикр ресурсларни тежайдиган чиқиндисиз технологияга қаратилган эди. Буюк рус олими томонидан 1885 йилда яратилган “Ноябрь” журналида чоп этилган “Мактублар заводлар ҳақида” мақоласида шундай фикрлар келтирилган: “...кўпгина технологик тармоқларда чиқиндилар деб аталадиган, яъни иқтисодий нуқтаи назардан бутунлай эътибордан четда қолган кимёвий ўзғаришлар натижалари ўз-ўзидан баъзан ўз вақтида жуда катта аҳамиятга эга бўлган янги ишлаб чиқаришнинг бошланғич нуқтасига айланади. Агар давомийлик бўлса, завод иши принципи, кейин, менинг фикримча, эмиссия йўқлиги ҳисобга олиниши керак...” [2].

Ресурсларни тежаш ғоясини ишлаб чиқища йигирманчи асрда совет, рус олимлари И.В.Петрянов-Соколов ва Н.Н.Семяков томонидан ишлаб чиқилган “чиқиндисиз технология” атамаси Россия ва хориждаги адабий манбаларда фаол фойдаланила бошланди.

Фоя муаллифлари томонидан ўйлаб топилганидек, чиқиндисиз назария бизнес жараёнларида барча мумкин бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун вақт, табиий ресурслар бир марта қазиб олиниши керак, деган концептуал қоидага асосланади [3].

Б.Холматов: “Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми” мавзусидаги диссертация ишида “Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш даражасини баҳолашда, энг аввало, унинг амал қилиш тамойилларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тежамкорлик тушунчасининг серқириллиги ҳамда турлича маъно касб этиши мазкур жараённинг амал қилиши тўғрисида кенгроқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Шунга кўра, ушбу тамойилларни белгилашда тежамкорликка жамиятдаги умумиқтисодий жараён сифатида ёндашлиди”, – деб таъкидлаб ўтган [4].

Иқтисодчи В.А.Богатырев, А.В.Богатырев ва А.Ю.Ефимычевларнинг фикрича, “Ресурсларни тежаш барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, маҳсулотнинг истеъмол қиймати бирлигини ишлаб чиқариш учун яшаш ва моддийлаштирилган меҳнат харжатларини камайтириш ва атроф-муҳит сифатини сақлашга қаратилган жараёндир” [5].

А.С.Савенко ресурсларни тежашни ташкилий, иқтисодий, экологик ва техник тадбирлар тизими деб ҳисоблади [7].

А.С.Попов ресурсларни тежашни ташкилий, иқтисодий ва техник чора-тадбирлар тизими деб ҳисоблади [8].

И.Л.Воротниковнинг фикрича, ресурсларни тежаш – ташкилий, иқтисодий, техник, технологик, ҳуқуқий, ижтимоий ва экологик инновацион чора-тадбирлар тизими [9].

А.С.Рошектаев бу тоифани илмий-техникик, технологик, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар тизими сифатида ажратади [10].

В.И.Омельчишиннинг фикрича, ресурс тежамкорлиги йўқотишларни қопловчи, фойдаланилмаган захираларни ҳаракатга келтирувчи, ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини оширувчи, ишлаб чиқариш омилларидан интенсив фойланувчи, ишлаб чиқариш омиллари дефицитини йўқотувчи жараёнлардир. Ёки ресурсларни тежаш эҳтиёжлар сони ва даражасини оширишга қаратилган бўлиши керак, деб ҳисоблади [6].

**Тадқиқот методикаси.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуслардан кенг фойдаланилди. Мазкур усуслардан фойдаланиш тизимда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда унинг имкониятлари ва камчиликларини, шу билан бир қаторда, саноат корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишда унга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш имкониятини беради.

**Таҳлили ва натижалар.** Саноат корхоналари бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг мазкур тармоғи юқори иқтисодий салоҳиятга эга бўлгани ҳолда унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, саноат тармоғи қўплаб янги иш жойлари яратилиб, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини оширишга катта ёрдам беради.

Саноат тармоқларининг барқарор ривожланиши ички имкониятларни ишлаб чиқариш жараёнинга кенг сафарбар этиш, корхоналарда замонавий технологиялар ва инновациялардан самарали фойдаланиш натижасида рўй беради. Саноат ишлаб чиқаришини самарали амалга ошириш учун тармоқнинг мавжуд хомашё ресурслари захираси, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш технологиялари, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш лозим. Саноат корхоналарининг ресурс салоҳияти ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида жамиятнинг турли эҳтиёжларини қондиришни ифодалайди. Ҳар бир ресурс туридан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади.

Саноат корхоналарида ресурс тежамкорлигини ошириш ресурслардан фойдаланиш са-

марадорлигининг ошиши, саноатда қўлланиладиган ресурсларнинг таркибида юқори сифатли ресурслар улушкининг ошиши, фойдаланиладиган ресурслар таркибида инновациялар, ахборот ва билимларнинг улуши ошиб бориши билан аниқланади. Саноат корхоналарининг ресурс тежамкорлигини ошириш деганда, корхоналарнинг ресурсларни жалб этиш даражаси ва мазкур ресурсларни қўллаш натижасида амалга ошириладиган технологик жараёнларнинг санаадорлиги тушунилади. Саноат корхоналарида ресурс тежамкорлигини ошириш уч босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда ҳудуднинг ресурс салоҳияти шакллантирилади, унинг таркиби ва ташкил этувчиларнинг миқдори аниқланади.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни йўналтириш амалга оширилади.

Учинчи босқичда ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан фойдаланиш амалга оширилади.

Хар бир босқич ўзига хос ресурс тежамкорлигини ошириш йўналишлари аниқлаб берадиган маҳсус омиллар билан тавсифланади. Бу омилларни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин. Ички омилларга қўлланиладиган технологиялар ва жиҳозлар, ишчилар ва бошқарувчи ходимларнинг малака даражаси, инновацион фаоллик, қўлланиладиган хомашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот кабилар киради. Ташқи омилларга маҳсулотга хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши, ҳудудий саноат сиёсати, бозор

инфратузилмаси ва технологик инфратузилма кабилар киради.

Мавжуд ресурс захиралари саноатни ривожлантириш бўйича қўйилган стратегик мақсадларга эришишнинг асосий омили ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида бу корхонанинг имкониятларини кўрсатиб беради ва корхонанинг ресурс захираси мақсад функциясининг чегараловчи омили сифатида амал қиласди.

Саноат тармоқларининг барқарор ривожланиши корхоналарнинг ресурс тежамкорлигини ошириш ва улардан тўлиқ фойдаланиш билан боғлиқ. Корхоналарнинг асосий вазифаси рақобатчилар олдида ўзларининг етарли даражадаги афзаллигини таъминлашдир[8].

Саноат корхоналарининг ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:


1. Саноат корхоналарининг ички имкониятларини аниқлаш.

2. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш.

3. Корхоналарнинг ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш.

Шунингдек, саноат корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар саноат корхоналарининг фаолиятига таъсири этувчи омиллар билан боғланган (1-расм).



1-расм. Саноат корхоналари фаолиятига таъсири этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар

Кейинги йилларда саноат корхоналари моливий-хўжалик фаолиятини тартибга солиши тизимини шакллантириш ва босқичма-босқич такомиллаштириш натижасида соҳада бир қатор силжишларга эришилди. Таҳлил натижалари кўрсатишича, саноат ишлаб чиқаришининг

қўшимча ўсиши 2016 йилда аввалги йилга қараганда 1,6 % бўлган бўлса, 2010 йилда 8,5 %ни, 2020 йилда эса 7,0 %ни ташкил этган, 2016 йилга нисбатан 2020 йил 17,6 %га камайган бўлсада, ушбу йиллар оралиғида ўртача 7,6 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Саноатнинг ЯИМдаги улуси 2010 йилгача пасайиб борган бўлса-да, кейинги йилларда ошиб борган. Яъни таҳлил қилинаётган йилларни қараб чиқсан, 2019 йил 2016 йилга нисбатан 64,8 %га, 2020 йил 2010 йилга нисбатан эса 40,2 %га ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги баҳоларда 2020 йил 2010 йилга нисбатан 3,8 %га ошган. Шу билан бирга, саноат тармоқларининг кичик бўлакларга бўлиниши, янги саноат тармоқларининг вужудга келиши, тармоқлар орасида интеграция жараёнларининг ривожланиши, тармоқлараро мажмуаларнинг шаклланиши, фан-техника ютуқлари

билан бевосита боғлиқ тармоқларнинг юқори суръатларда ривожланиши рўй бермоқда.

Демак, саноат корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ривожлантиришга бир қатор тадбирларни амалга ошириш орқали эришилади. Буларга саноат корхоналарига ички инвестициялар киритишини такомиллаштириш, саноат соҳасида оиласидан тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, корхоналарда мавжуд хомашёдан самарали фойдаланиш ва модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш, саноат корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш кабилар киради.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда миллий саноат тараққиётининг асосий қўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар						2020 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
	2010	2016	2017	2018	2019	2020	
Саноат маҳсулоти (амалдаги нархларда), трлн. сўм	29,6	38,1	84,0	97,6	111,9	144,2	3,8
Саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсиши, %	10,8	8,5	8,3	7,9	6,2	7,0	-17,6
Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуси (курилишни қўшган ҳолда), %	22,1	23,9	24,2	33,0	32,9	33,5	40,2
Жами капитал қўйилмаларнинг саноатдаги улуси, %	32,9	32,1	34,2	34,0	33,6	35,8	1,08

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Саноат корхоналарининг ресурсларида самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариши модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда ички инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир[9]. Бунда илгор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Саноат корхоналарини унинг ресурсларида самарали фойдаланиш асосида ривожлантириш муҳим йўналишлар сифатида бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилади ва қуидагиларни амалга оширишни талаб этади:

- саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликларининг ички имкониятларидан қўпроқ фойдаланиш;
- аҳолини иш билан таъминлаш, унинг нофаол қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва шу асосида аҳоли даромадларини ошириб, турмуш даражасини яхшилаш;
- бевосита саноат корхоналарида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар билан бир қаторда касаначилик билан банд бўлган аҳолининг ҳам ижтимоий манбаатларини ҳимоя қилиш;

■ касаначилик меҳнатидан фойдаланиб, бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни

ташкил қилиш эвазига йирик саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш.

Демак, юқоридаги таҳлилларга асосланиб, саноат корхоналарини ривожлантириш борасида қатор муаммолар борлиги аниқланди. Саноат корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдалана олмаслик асосий муаммо ҳисобланади. Бу муаммоларни бартараф этишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириш ва саноат корхоналари самарали фаолиятини юритишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Саноат корхоналарининг ресурсларида самарали фойдаланиш бўйича қуидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф этамиз:

- саноат корхоналарида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш керак;
- саноат корхоналарининг маҳсулотлари бозордаги улушкини ошириш лозим;
- кузатувлар ва статистик маълумотлар асосида саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг доимий таҳлилини олиб бориш зарур;
- саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги ва давомийлигини таъминлаш керак;
- саноат корхоналарида ишчилар касбий маҳоратини ошириш зарур;
- саноат корхоналарига киритиладиган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш лозим;
- саноат корхоналарида инновацион маҳсулотларнинг улушкини ошириш керак;

■ ахборот технологияларини ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жорий этиш лозим ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тадбирларни амалга оширишда ишлаб чиқариш жараёнидаги ходимлар маълум бир концепция асосида фаолият олиб бориши лозим. Ушбу жараёнда интеграциялашган ресурс оқими концепциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур концепция тежамкор ишлаб чиқаришнинг фундаментал методологияси ҳисобланади. Ушбу методология оммавий ишлаб чиқаришни инкор этиб, талабдан келиб чиқсан ҳолда кичик партияларда ишлаб чиқаришни назарда тутади [10].

Бу захираларни камайтиришга ва ўз навбатида, харажатларни пасайтиришга олиб келади. Саноат корхоналарининг ресурсларидан самарали фойдаланиш самарадорлиги ишловчиларнинг жисмоний ва ақлий салоҳияти, моддий хомашё ресурслари, молиявий маблағлар ва ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш даражаси билан бевосита баҳоланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган тармоқлардан бири саноат тармоғидир.

Саноат тармоқларининг барқарор ривожланишига бевосита ички ва ташки омиллар ўз таъсирини ўтказади. Бунда ишлаб чиқариш корхонасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, хомашё ресурслари захираси, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлар, ишчилар ва бошқарувчи ходимларнинг малака даражаси, инновацион фаоллик, қўлланиладиган хомашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот-

лар каби қатор ички омиллар ва маҳсулотга хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши, худудий саноат сиёсати, бозор инфратузилмаси ва технологик инфратузилма каби ташки омиллардан самарали фойдаланиш лозим.

Шу билан биргаликда, саноат корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш бора-сида маҳсулот ишлаб чиқаришда мавжуд уй хўжаликларининг ички имкониятларидан кўпроқ фойдаланиши, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган даромадлиликни ошириш, янги ишчи ўринларини яратиш, касаначилик билан шуғулланадиган аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш каби қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, саноат корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича хомашёнинг аҳамиятлилик ва харажатларнинг минимал қийматини аниқ ҳисоб-китоблар асосида аниқлаб, ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш саноат корхоналарининг самарадорлиги ошиши имкониятини беради. Шу билан бирга, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш технологияларини янгилашда технологияларни алмаштиришнинг афзаллик кўрсаткичи ва мутахассислар фикри келишувчалиги ёки конкордация коэффициентининг ҳисоблаб чиқилиши саноат корхоналарида ишлаб чиқариш технологияларини самарали алмаштириш, саноат корхоналарида инновацион гуруҳлар ташкил этилиб, унинг асосида саноат корхоналарини ривожлантириш тадбирлари олиб борилса, саноат тармоғини ривожлантириш имкониятлари ошади ва уларда мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш имконияти яратилади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNIDO. *Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development*. Vienna, Austria. 2017. Pp. 201-205.
2. Ортиков А. Саноат иқтисоди. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2009. – 236 б.
3. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Материалы 1Y-го Форума экономистов. / Отв. ред. М.П.Нарзикулов. – Т.: Baktra-Press, 2012. C. 8.
4. Холматов Б. Тежамкорлукнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми. Номзодлик диссертацияси. – Т.: ТДИУ, 2009.
5. Богатырев В.А., Богатырев А.В., Ефимычев А.Ю. Ресурсосбережение как направление модернизации экономики Журнал «Экономика и бизнес». <https://cyberleninka.ru/article/n/resursosberezenie-kak-napravlenie-modernizatsii-ekonomiki/viewer>
6. Омельчишин В.И. Ресурсосбережение как фактор повышения эффективности общественного производства. Автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.06. – М., 1993. – 23 с.
7. Савенко А.С. Управление ресурсосбережением на предприятиях на основе анализа резервов энергоэффективности. Автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2012. – 26 с.
8. Попов А.С. Резервы ресурсосбережения на машиностроительных предприятиях. Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Саратов, 2006. – 145 с.
9. Воротников И.Л. Формирование и управление ресурсосберегающей агрозэкономикой: Известия Оренбургского государственного аграрного университета. Выпуск № 4–1. Том 4. 2004.
10. Рощектаев С.А. Формирование механизма ресурсосбережения в перерабатывающих отраслях АПК Краснодарского края (на примере плодовоощеконсервной промышленности). Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Краснодар, 2000. – 169 с.
11. Махмудов Э.Х., Ортиков А., Каримов Ф. Корхона – иқтисодиётнинг асоси бўғини. // Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.
12. Гулямов С.С. и другие. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи, 1995. С. 28.
13. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув кўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004. – 75 б.
14. Рустамов Н. Саноат тармоқларини ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантириши. Фалс. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2018.
15. Ricardo Antunes, Vicente Gonzalez, Kenneth Walsh. Quicker reaction, lower variability: The effect of transient time in flow variability of project-driven production. 24rd Ann. Conf. of the Int'l. Group for Lean Construction, Boston, 2016.
16. James P. Womack, Daniel T. Jones, Daniel Roos. *The Machine That Changed the World: The Story of Lean Production Toyota's Secret Weapon in the Global Car Wars That Is Now Revolutionizing World Industry* Paperback. March 13, 2007.
17. Чховребов Э.С. «Ресурсосбережение: основные этапы становления, теории и методы, тенденции и перспективы развития в промышленности и строительной индустрии России» Вестник МГСУ. 2020. Т. 15. Вып. 1. С. 112-158. DOI: 10.22227/1997-0935.2020.1.112-158.